

## ДАВЛАТ САЛОҲИЯТИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРГА ТАЪСИРИ

О.З.Мадаминов

Урганч давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10715651>

### Аннотация

Замонавий инсоният даврлар алманишинуви босқичида яшамоқда, яъни унда давлатнинг халқаро майдонда ўз мақсадига эришиши учун куч ишлатиш ўрнига бошқача, анча ахлоқийроқ ва маданиятлироқ, умуман прогрессив услубларни жорий қилиш босқичи бўлмоқда. Айнан “совуқ уруш”нинг тугаши ва унда Ғарбнинг узил-кесил ғалабаси янги тарихий даврни бошлаб берди. Бу ўзгаришнинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, у анъанавий зўровонликнинг натижаси эмас, балки рақобатлашадиган Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро келишуви ва компрамиси асосида намоён бўлди. Бу ўзгариш асосида олдинги жаҳон тартиботи ўрнини янгиси эгаллагани, ёки икки қутибли дунёдан кўп қутиблига айланаётгани билангина эмас, балки бу фундаментал, жуда чуқурроқ ўзгариш – яъни, халқаро муносабатларда олдинги мажбурлов–куч ишлатиш методлари ўрнига, маданиятлироқ ва натижалироқ бўлган дипломатиянинг роли ошишига олиб келди.

**Калит сўзлар:** имидж, давлат салоҳияти, халқаро муносабатлар, ҳарбий куч, илмий (техникавий) куч, информацион куч.

Глобаллашув билан боғлиқ тарихий жараёнларни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда, шуни объектив равишда тан олиш керакки – бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бормоқда ҳамда бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас.<sup>1</sup> Гарчи, урушлар инсоният цивилизациясининг доимий йўлдоши ҳисоблансада (маълумотларга кўра, мил.авв. 3600 йилдан токи ҳозирги кунгача ер шарида фақат 294 йил уруш бўлмаган, шу кунгача урушларда 3.5 млрд киши ҳалок бўлган), кейинги пайтларда ядровий қўролларнинг кашф қилиниши, такомиллаштирилиши ва тарқалиши сабаб инсониятнинг ўзини яшаб қолиши тўғрисида жиддийроқ ўйлаб кўришга ва бунинг олдини олиш, умумий хавфсизлик тизимини яратиш бўйича кескин чоралар кўришга ундамоқда. Шу билан бирга, экологик ва демографик муаммолар, Шимол ва Жанубнинг ривожланишидаги тафовутлар, жаҳон энергетика кризисини олдини олиш чораларини топиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш каби глобал муаммолар ҳам бугунги халқаро муносабатларнинг ажралмас бўлагига айланиб улгирган.

Инсоният минг йиллик тарихи давомида давлатларнинг ташқи дунёга таъсир кўрсатишининг асосий омил бу **“куч”** бўлиб келган. Бундай танлов фақатгина унинг эффективлиги (радикаль-оператив) билангина эмас, балки дунёнинг, умуман халқаро муносабатларнинг айнан шундай тузилиши, тинчлик ўнатиш мақсадида кучдан фойдаланишни энг асосий инструмент ҳисоблагани билан асосланади. *“Инсонларнинг кучга интилиши, - дея такидлайди ўз вақтида АҚШ “сиёсий реализм” мактабининг*

<sup>1</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 111 б.

асосчиси Г.Моргентау, - *тарихий тасодиф эмас, балки, инсоният ҳаёт мазмунини тасвирловчи асосланган факт ҳисобланади*".<sup>2</sup>

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, инсониятнинг бутун тарихи давомида, куч бу, энг аввало, ва биринчи навбатда ҳарбий қудрат сифатида талқин қилинган. Ушбу омил мантиқий асосга эга бўлиб, агарда бутун тарих давомида халқаро муносабатлар тизими конфронтацияга асосланган, муносабатларни фақат ҳарбий куч билан ойдинлаштиришга мажбур бўлинганлигини инобатга оладиган бўлсак, куч тушунчаси, аввало, *ҳарбий куч* маъносида тушуниланган. Кўпчилик сиёсий арбобларнинг фикрича, ҳарбий куч бу халқаро майдонда давлатнинг асосий кучи, нуфузи ва салоҳиятини белгилаб берувчи кўрсаткич бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бу тушунарли, чунки куч ижтимоий муносабатларнинг ҳам ажралмас қисми ҳисобланиб, у асосан инсоннинг табиатида яхшилик ва ёмонлик тарзида ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам тарихнинг турли давларида бу иккита тушунчадан бири устунлик қилиб келган.

Лекин, кучни айнан давлатнинг ҳарбий қудрати сифатида эътироф этиш мумкунмикан? Бу тушунчаларни бир қиллаштириш ёки куч деганда каттароқ, кенгроқ тушунча пайдо бўлиши мумкунми? Бугунги кунда куч ҳақидаги ананавий тушунчалар ноҳарбий сифатлар билан ҳам бойитилмадими? Кучли армия ва флотига эга бўлмаган давлат жаҳон сиёсатига фаол таъсир кўрсатиши мумкунми? Халқаро майдонда кучларнинг нисбатини ўзгартириш тенденцияси қандай роль ўйнайди? Бу саволларга жавоб топишда яқин ўтмишдаги ва замонамизнинг илм-фан аҳли ҳозиргача тадқиқотлар, илмий ва амалий изланишлар олиб бомоқдалар.

Халқаро муносабатларда куч феноменини белгилаб берган бир қанча таъриф ва таъбирлар мавжуд. Масалан булар:

Г. Моргентау: *“Куч бу – инсон онги ва ҳаракатлари устидан ҳокимиятдир”*;

Г. Киссинджер: *“Куч бу – халқаро доирадаги нуфуз”*;

Р. Клайн: *“Куч бу – бирон бир давлат ҳукуматининг бошқа бир мамлакат ҳукумати томонидан қандайдир ҳаракат қилишга мажбур қилишидир”*, бунда у учта асосий методни ажратиб кўрсатади – ишонтириш, мажбур қилиш ва ҳарбий куч қўллаш;

Б. Рассел эса кучнинг фалсафий таъбирини бериб, *“Куч – исталган натижани қўлга киритиш воситасидир”* дея таъкидлайди.

Д. Стоссинджер *“Куч бу – бирон давлатнинг бошқа давлатлар ҳаёт шакли ва ҳаракатига эффе́ктив таъсир қилиши учун реал ва потенциал ресурсларидан фойдалана олиш қобилиятидир”*, деб таъриф бериб ўтадилар. Кўриниб турибдики бу турли ҳилдаги таърифларнинг битта умумий жиҳати бор, яъни бирон давлатнинг турли ҳил йўллари орқали бошқа бир давлат ёки давлатлар ҳаракати ва фаолиятига ўзига фойдали асосда таъсир ўтказиш омилидир.

Шу ўринда давлатнинг халқаро майдонда ҳаракати учун турли ҳилдаги куч (потенциал)ларини таъкидлаб ўтиш лозим.

**Ҳарбий куч** – бирон давлат ёки давлатлар гуруҳига, умуман халқаро муносабатларга реал ва интенсив равишда ҳарбий таъсир қила олиш даражаси ҳисобланади. Ҳарбий кучни ишлатиш даражаси, унинг ҳаракатланиш методлари, аввало, мазкур давлатнинг

<sup>2</sup> Фактор силы в международных отношениях // [http://revolution.allbest.ru/international/00053517\\_0.html](http://revolution.allbest.ru/international/00053517_0.html)

ташқи сиёсати мақсад ва характериға боғлиқ бўлади, чунки ҳарбий куч – бу сиёсат воситаси, аниқроғи сиёсий таъсир қилиш воситаси бўлиб келган. Масалан, Америка Қўшма Штатлари ташқи сиёсатидаги “Кучни намоиш қилиш” (“Show of military force”) сиёсий методи бунга ёрқин мисол бўлиб хизмат қилади. Яъни, АҚШ қайсидир давлатга сиёсий таъсир ўтказмоқчи бўлса шу минтақага қуруқлик ва сув йўллари орқали яқинлашиб келади ва ҳарбий кучларини жойлаштирилади. АҚШ ҳарбий кучлари, авианосецлари, ҳарбий-техника ва бомбардимончи самолётларини кўрган душман томон дарҳол консенсус ва музокаралар йўлини ахтара бошлайди.

**Илмий-техникавий куч** – илмий-техник революция ютиқларидан фойдаланиш, уларни фаол ўзлаштириш ва оммавий тарзда ишлаб чиқариш давлатнинг халқаро майдондаги позициясини мустаҳкамлайди. Келажакда эса “ифлос ишлаб чиқариш” – ҳом-ашё саноати, кимёвий, кенг истеъмол молларини ишлаб чиқариш, ядровий чиқиндиларни кўмиш ва ҳ.к.лардан воз кечиш имконини беради. Давлатнинг илмий-техник салоҳиятини халқаро муносабатларга таъсирини биргина Япония давлати мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраган ва шу асосида халқ ҳўжалигининг барча соҳалари инқирозга юз тутиши, бутун ишлаб чиқариш ва саноати барбод бўлган Японияда 50- йилларнинг иккинчи ярмидан бутун индустрияни оммавий равишда қайта жиҳозлаш бошланди. Меҳнат ресурсларини ўзгартиришдаги силжишлар ва “ноу-хау”нинг оммовий импорт қилиниши япон иқтисодиётининг тезлик билан олдинга чиқиб олишидаги технология базасини таъминлади. Айниқса, рақамли дастурий бошқарув ва автоматлаштирилган тизимга эга станоклар, шунингдек робот-манипуляторлар ишлаб чиқариш жуда тез ўсди. Мазкур омиллар сабаб Япония тез орада дунёдаги энг бой еттита давлат (“G 7”) қаторидан жой олди.

**Информацион (ахборот) куч** – бугунги янги жаҳон тартиботида информация ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг асосий таркибий қисмига айланди. Бу босқич ўз навбатида, жамиятнинг ривожига таъсир қилган ва жаҳонда тўртинчи информацион инқилобни келтириб чиқарган, замонавий фанда “ахборот асри” деб ном олди<sup>3</sup>. Инсоният учун универсал ва таъсирчан ресурс сифатида ахборот жаҳон иқтисодиёти ва тарихи ривожига катта ўрин тутди. Лекин, халқаро тарихий тенденцияларнинг барча субъектлари ҳам ўзларининг сиёсий мақсадлари йўлида, бундай “виртуал капитал”дан фойдалана олиш қобилиятига эга эмаслар<sup>4</sup>. Ҳақиқатда эса, ахборот халқаро акторлар орасида тенг тақсимланмайди, унга эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва ахборотни тегишли мақсадлар сари йўналтириш фақатгина халқаро тизимнинг кучли акторларига хос хусусиятдир. Куч билан таъсир қилишнинг мутлоқо янги тури – ахборот кучининг пайдо бўлиши, ўз навбатида кўплаб тадқиқотчиларни тарих ва халқаро муносабатларга таъсир қилувчи омил сифатида ахборот кучини тадқиқ қилишга асос бўлмоқда. Шундай қилиб, замонавий тарих фанида **“ахборот кучи”** тушунчаси “ахборот таъсири”, “ахборот

<sup>3</sup> Кастельс М. Становление общества сетевых структур // Новая индустриальная волна на Западе / Под ред. В. Л. Иноземцева. М., 1999. С. 492–493.

<sup>4</sup> По оценкам экспертов, доллар, вложенный в информацию, дает в 10 раз больше прибыли, чем вложенный в нефть.

қарамлиги” ва “ахборот муҳити” каби атамалари хулосаси сифатида таърифлаш мумкун<sup>5</sup>.

**Ғоявий куч** – бу мамлакат ичкарасида ҳам ўз ифодасини топиши мумкун ва шу билан бирга ташқи йўналишга ҳам эгадир. Ғоявий-ахлоқий нормалар, ўз ҳаёт тарзи ва бошқа мафкуравий салоҳияти асосида қайсидир давлат ёки минтақага етарлича таъсир кўрсатишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Гарчи бундай кучнинг эффективлигини миқдор жиҳатидан баҳолаб бўлмасда, бу ҳар бир инсоннинг ва шу асосида мамлакатнинг ҳаёт тарзига кучли таъсир қиладиган қурол бўлиб хизмат қилади. Таъбир жойиз бўлса, айтиш мумкунки, **бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга**<sup>6</sup> бўлиб бораётганлиги бунинг ёрқин мисолидир. Масалан, собиқ колониалист Европа (Ғарб дунёси) давлатлари ўз доменионларига мустақиллик берар экан, у ерда *вестернизация*<sup>7</sup> жараёнини амалга оширдилар. Ғоявий-мафкуравий таъсирнинг ёрқин шаклини Буюк Британия мисолида ҳам кўришимиз мумкун. Қаерда мумкун бўлса, қаернинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти ўз талабларига жавоб берса, Британия ўша ерда ўз парламентаризм ва суд тизимини ёйишга ҳаракат қиларди. Ўзининг кинояли арестократияси, газонлар билан жилоланган бинолари, чой маросимлари, теннис, поло, регби, крикет ва футбол каби спорт ўйинлари асосида ер шарининг барча минтақасида **“кўҳна ва хамиша навқирон Англия”** тасаввурларини сингдира олган.

**Сиёсий куч** – бу халқаро муносабатларга дипломатия йўли орқали таъсир қилиш қобилиятидир. Бунинг классик мисоли сифатида қадимги рим дипломатиясини кўришимиз мумкун, улар империянинг инқирозга учраши арафасида ўз давлатининг яшаб қолиши ва ҳарбий можаролардан қочиш мақсадида ўз рақибларини бир-бири билан тўқнаштириш ва шу асосида уларни кучсизлантириш, ўз динини рақиб давлатлар фуқоролари орасида кенг ёйиш, ўз давлат чегаралари доирасида буфер зоналарни ташкил қилиш мақсадида чегарадош давлатларни сотиб олиш ва бошқа дипломатик услублардан моҳирлик билан фойдаланганлар.

Турли давлатлар турли даражадаги, юқорида санаб ўтилган кучларга ёки кучлар гуруҳига эгаллиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, бошқа давлатлар фаолиятига таъсир ўтказа оладиган буюк давлатлар *учта асосий кучга* эгаллиги билан характерланади, булар – иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий кучлардир. Мазкур тизим айнан шу кетма-кетлик асосида кечиши лозим. Чунки давлатнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳияти паст бўлса, у ҳарбий куч сақлаш ва такомиллаштиришга эриша олмайди, агарда ҳарбий кучга эга бўлмаса мазкур давлат халқаро сиёсий майдонда ўз ўрнини йўқотади.

Шунинг билан бирга, халқаро муносабатлар тизимида куч ғояси ҳам ўз позициясини ҳалигача йўқотган эмас, чунки минг йиллар давомида давлатлар ўртасидаги муносабатларда куч ғояси устунлик қилиб келмоқда, ҳозиргача бахслар ва можароларни

<sup>5</sup> Nye Jr. J. S., Owens W. A. America's Information Edge // Foreign Affairs. Vol. 5. № 2. March/April 1996. P. 21–22.

<sup>6</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 113 б.

<sup>7</sup> “Вестернизация” (ингл. western – ғарбий) – “ғарблаштириш”. Эски колониал давлатларда ғарб турмуш тарзи, ахлоқий нормалари ва ғоявий қарашларини ёйиш. Краткий политический словарь. М., 1988 г.

бошқачароқ йўл бўлан ҳал қилишни самарали тизими тўла яратилган эмас. Айниқса, узоқ келажакда кичкина, лекин мустақил давлатлар миллион кишилиқ армиясига ва ядровий қуролларга эга давлатлар билан тенг, ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида муносабат ўрнатишини ҳеч ким тасаввур қила олмайди. Бу гўёки дунёдаги барча инсонлар бирданига бир ҳил қонун ва номаларга амал қила бошлаши, ёки умумий жаҳон ҳукуматининг тузилиши каби афсонавий ғоялардек кўринади ҳалос.

